

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“БИЗНЕС ВА ТАДБИРҚОРЛИК” КАФЕДРАСИ

**“Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий
муносабатлар” фанидан**

РЕФЕРАТ

**Мавзу: Ривожланаётган мамлакатлар – халқаро иқтисодий
муносабатлар тизимида**

**Бажарди: ММ 80 гуруҳ талабаси
Л. Абророва**

Тошкент – 2014

Режа:

- 1. Ривожланаётган мамлакатларнинг асосий ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари**
- 2. Ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро товар алмашинувида тутган ўрни ва роли**
- 3. Хорижий сармоялар – ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида**
- 4. “Янги индустриал мамлакатлар”нинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни**

1. Ривожланаётган мамлакатларнинг асосий ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар тизимини ривожланишининг аҳамиятли томонларидан бири, собиқ мустамлака ва қарам территорияларнинг роли ва аҳамиятини иқтисодий жиҳатдан кучайиб бораётганлигидир. Ушбу мамлакатлар аввал жаҳон иқтисодиётида ривожланаётган мамлакатлар ёки озод этилган мамлакатлар, “учинчи дунё мамлакатлари”, “жануб” мамлакатлари ёки “периферия” мамлакатлари сифатида тилга олинган бўлса, ҳозирги кунда умумий тарзда ривожланаётган мамлакатлар дея аталади..

Бу мамлакатлар иқтисодиёти турли-тумандир, уларнинг худудида 3,2 млрд атрофида аҳоли яшайди. Ушбу мамлакатларда ҳозирги кунда жуда муракаб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнлар кечмоқда.

Ушбу минтақалар орасида ривожланаётган мамлакатларнинг қолган қисмлари жойлашгандир. Бу ҳам ўз навбатида, бир хил типда бўлмаган гуруҳдир. Унинг таркибига кирувчи мамлакатлар кўплаб ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича фарқланади. Бу мамлакатлардан энг ривожланганлари ҳозирги кунда иқтисодий жиҳатдан “янги индустриал давлатлар” иқтисодиётига яқинлашиб бормоқда. Жумладан, Лотин Америкаси ва Шимолий Америка ўртасидаги фарқ сезиларли равишда қисқармоқда. Шимолий Американинг ялпи миллий маҳсулоти Лотин Америкасининг ялпи миллий маҳсулотидан 4 марта кўпроқни ташкил этади

Ушбу иқтисодий ривожланишдаги фарқларга қарамасдан ривожланаётган мамлакатларнинг барчасига хос бўлган умумий хусусиятларни ҳам алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин бўлиб, булар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг кўп укладли характерга эгаллиги.
- Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши паст даражада эканлиги, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий инфраструктуранинг қоқоқ эканлиги (биринчи гуруҳ, “юқори кутб” мамлакатларини ҳисобга олмаганда).
- Уларнинг иқтисодий ривожланиши жаҳон хўжалиги тизимига қарам ҳолатда эканлиги, капитализмни периферик характер касб этиши ва бошқалар.

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти кўп укладли ижтимоий-иқтисодий таркибга асосланади. Бир қатор мамлакатларда капиталистик уклад билан бир қаторда ҳамон уруғ-аймоғчилик ва патриархал муносабатлар ҳам мавжуддир.

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида давлат ва давлат хўжалик уклади муҳим рол ўйнайди. Давлат секторини ривожлантириш босқичи капиталистик ишбилармонликни кенгайтириш сиёсати билан ҳамоханг олиб борилади. Бунинг натижасида эса давлат капитализми пайдо булади ва ривожланади.

Миллий хусусий капиталистик хўжалик укладнинг ривожланиши ва шаклланиши жамғариш муаммолари (яъни, пул ресурсларининг етишмовчилиги) ва жамғарилган маблағларнинг сарфланиши хусусиятларига боғлиқдир. Бу маблағлар асосан савдога (ички ва ташки), кучмас мулкларни сотиб олишга, машиналарни таъмирлашга, сугуртага, бензин қўйиш шахобчаларига, таксига, яъни сармояларни айланиши тез бўлган соҳаларга йуналтирилади.

Жаҳон иқтисодиётида озодликка эришган ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида пайдо бўлган ва ривожланиб бораётган капитализм периферик характерга эга. Бу шуни англатадики, у саноати ривожланган мамлакатлар капитализмдан нафақат ривожланиш даражаси бўйича, балки энг муҳими, ишлаб чиқариш усулларнинг модели ва моддий неъматлар тақсимоли бўйича ҳам тубдан фарқ қилади. Капитализм марказлари, жамғаришнинг органик ва узаро алоқадор доимий ўсиш жараёнида бўлган миллий заминда пайдо бўлади ва ривожланади. Мослашувчанлик (имитация) аҳолининг бой қатламларининг узлари учун зарурий бўлган барча нарсаларни қўлга кирита оладиган махсус бозорларнинг ташкил топишидан бошланди. Бундай вазиятда аҳолининг асосий қисми камбағалликка мажбур этилиб, уларни бозорларда эркин муомалада бўлиш имкониятидан маҳрум этади.

Трансмиллий корпорациялар томонидан жорий қилинган янги техник-технологиялар одатда ҳозирги кунга мос келади, аммо уларнинг бозор нархлари жуда юқори бўлиб, ривожланаётган мамлакатлар учун қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Жаҳон иқтисодиётида кўпчилик ривожланаётган мамлакатларнинг ухшашлик томонлари, яъни уларнинг қашшоқлиги, аҳолисининг қолоқлиги, ишсизлик даражасининг юқорилиги, саноати ривожланган мамлакатлардан катта миқдорда қарздорлиги бўлиб ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги ўзининг тулақонли ижтимоий – иқтисодий ривожланиши ва аҳолисининг яшаш турмуш тарзи даражаси бўйича Ғарбий Европани саноатлашган илғор мамлакатларидан қарийб 20-50 мартаба орада қолмоқда.

2. Ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро товар алмашинувида тутган ўрни ва роли

Халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этиш, жаҳон хўжалиги алоқаларининг ривожланиши, молиявий ресурсларнинг мамлакатлараро оқиб юриши, иқтисодий тараккиётнинг асосий шарт-шароитларига айланиб қолди. Мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида иштирок этиш орқали, ривожланаётган мамлакатларнинг барчаси 60-70 йиллардан эътиборан халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этишга интилиб келмоқда.

Уларнинг халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этиш зарурияти тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган барча нарсаларни етиштириш имкониятига эга эмаслиги билан асосланади. Ҳозирги кунда ривожланаётган мамлакатлар деярли саноати ривожланган мамлакатлар учун хом – ашё етиштириб берувчи ҳамда нисбатан арзон ишчи кучи манбаи бўлиб қолмоқда.

Халқаро меҳнат тақсимотида хўжалик фаолиятининг барча шакллари жамланган. Энг муҳими, халқаро савдонинг асосини ташкил этувчи хом – ашё ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш барча ривожланаётган мамлакатлар билан дунёнинг бошқа ривожланган давлатлари ўртасидаги товар алмашинувини таъминлайди. Халқаро савдо энг камбағал ривожланаётган мамлакатлар учун ҳам ташқи даромаднинг энг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади. Аммо, материал ва энергия сифимининг кейинги йилларида камайиши муносабати билан ривожланган мамлакатнинг ўсишида табиий хом - ашёларнинг халқаро савдодаги тутган ўрни пасайиб бориш тенденциялари намоён бўлмоқда. Жаҳон иқтисодиётида олдинги ўринлардан бирида “янги индустриал мамлакатлар” бораётган бўлса, бошқа ривожланаётган мамлакатлар эса, экспортнинг асосини ташкил этувчи саноатни кучайтириш ва кенгайтириш борасида энг кам улушни қўлга киритишган. Баъзи бирлари эса, масалан, Африканинг энг йирик мамлақати ҳисобланмиш Нигерия ўзининг саноат экспортидаги улушини тобора қисқартириб бормоқда.

Халқаро савдо мисолида, ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этишини баҳолаш орқали жаҳон хўжалиги тизимининг бутунлай нотенглик асосида қурилганлигини куришимиз мумкин. Баъзи бир ривожланаётган мамлакатлар илмий технологик ютуқлардан кам фойдаланаётган бир пайтда, ривожланаётган дунёнинг қолган қисми олдиндек анъанавий индустриаллашувга, баъзи бир қисми эса индустриаллашувгача бўлган технологик ютуқларга асосланиб тараккий этмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги аҳволи билан боғлиқ бўлган умумий ҳолатларни характерлаш орқали шу нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, қолоқ ривожланаётган мамлакатлар борган сари халқаро иқтисодий муносабатлар тизимидан “ажратиб” қўйилмоқда.

Дунё савдосида хом-ашё ва озиқ-овқат махсулотларининг улуши тобора қисқариб бориши ролини йўқотмоқда. Иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш мақсадидаги хом-ашёвий ихтисослашув эса вақтинча ўзининг ёрдамчилик ролини бажаришга кодирлигини кўрсатмоқда халос. Халқаро савдонинг ривожланиш тенденцияларини гувоҳлик беришича; сўнги ўн йилликларда турли хилдаги хизматларнинг ҳажми ва аҳамияти беқиёс даражада ўсиб бормоқда.

Ривожланаётган мамлакатлар ўзларининг бу йўлдаги имкониятларидан самарали фойдаланмоқдалар. Масалан, сайёҳлик ва меҳнат билан боғлиқ хизматлар, турли хилдаги “ифлос” ва паст маош тўланадиган ишлар учун ишчи кучларини экспорт қилиш шулар жумласидандир.

Сайёҳлик кўп йиллардан буён, ривожланаётган мамлакатлар учун хорижий валюталар тушумининг асосий манбалардан бири бўлиб қолмоқда. Миср учун туризм соҳасидан келаётган даромад хорижий мамлакатларда вақтинчалик банд бўлган мисрлик ишчилар ҳисобидан келадиган валюталар ва хорижий ёрдамлардан кейинги учинчи ўринни эгаллайди. Сўнги йилларда туризм Туркияда юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

3.Хорижий сармоялар – ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида

Жаҳон иқтисодиётида “қашшоқлик ботқоғи”дан кутилишга бўлган интилиш, иқтисодиётнинг илғор тармоқларини ривожланишга бўлган имкониятни яратиш ва такомиллаштириш ривожланаётган мамлакатлар учун хорижий сармояларни изчил жалб қилишни талаб этади. Ана шу мақсадларда, инвестицион муҳитни кафолатлайдиган шарт-шароити мавжуд бўлган махсус минтақавий иқтисодий зоналар ташкил этилади.

Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда инвестицион муҳитни кучайтириб бориш жараёнлари осонлик билан кечаётгани йўқ. “Эрнест ва Янг” америка консолтинг фирмаларнинг берган баҳоларига кўра яқин ўн йилликларда ривожланаётган мамлакатларнинг энг кузга кўринганлари - Хитой, Хиндистон, Индонезия, Мексика ва Бразилия каби мамлакатлар бўлиши башорат қилинмоқда.

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига хусусий сармоялар жалб қилинар экан, энг муҳими, улар динамикали ўсиш имкониятига эга бўлиб, истикболи порлок бўлган мамлакатлар томон илгарилаб бормоқда. Бугунги кунда 75-80% тўғридан-тўғри йўналтирилган хусусий инвестицияларнинг 20-25% и ривожланаётган мамлакатларга тугри келмоқда. Бунда асосий ўринни Шаркий Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатлари эгалламоқда. Кучсиз ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг тургунлиги ва шунингдек улардаги сиёсий вазиятнинг борқарор

эмаслиги, кўпинча саноати ривожланаётган мамлакатларнинг ишбилармон доираларини чучитиб кўймоқда. Ушбу мамлакатлар томонидан уюштирилаётган давлат ёрдамлари, сунги 70-80 йилларда етарли даражада амалга оширилган бўлсада, 90 йилларининг урталаридан этиборан уларнинг миқдори сезиларли даражада қисқариб бормоқда.

Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМда Лотин Америкаси мамлакатларининг ташқи қарзларини ўсиб бораётганлигини биз ташқи қарзларни аҳоли жон бошига нисбатан ҳисобланганда мазкур мамлакатлар бошқа мамлакатларга қараганда анча олдинда турганлигини кўришимиз мумкин (бу кўрсаткич Осиёда 250 долларга тенг бўлса, Лотин Америкасида эса 1000 долларни ташкил этади).

Ривожланаётган мамлакатларнинг амалдаги қарзлари хусусий капитал кўйилмаларнинг ҳисобидаги мулкӣ муносабатлар орқали тўпланиб боради. 1995 йилда кредитор мамлакатлар орасида Япония биринчи ўринни эгаллаган бўлиб, унинг ривожланаётган мамлакатлардаги (биринчи навбатда Осиё мамлакатларида) кредитларнинг умумий миқдори тахминан 236 млрд. долларни ташкил этган. Кейинги ўринни – 147 млрд. доллар миқдоридаги кўрсаткич билан АҚШ эгаллаган бўлиб, уларнинг ярмиси Лотин Америкаси мамлакатларига тўғри келган эди. Учинчи ўринда эса Германия туриб, у 106 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги сармояларни четга чиқарган. Ўз навбатида Франция ҳам хорижий мамлакатларга унча катта миқдордаги кредитларни берувчи давлат ҳисобланади (103 млрд. доллар). Унинг қарздорлари бўлиб, асосан Африка ва Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётида ривожланаётган мамлакатлар томонидан қарзларнинг қайтарилиши энг оғир муаммо бўлиб турган бир пайтда, қарздорликка қарши курашнинг бирдан-бир йўли, бу кредитор мамлакатларнинг қарзларини кечиб юбориладиган умумий миқдорини 75-100%га етказиш кўзда тутилганлигидир. Бундан кўзланган бош мақсад, 80- йиллардан буён қарзларнинг миқдори юқори суръатлар билан ўсиб келаётган мамлакатларга нисбатан енгиллик беришдир.

Трансмиллий корпорациялар кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда юксак иқтисодий ўзгаришларни вужудга келтираётганлиги билан бир қаторда, ушбу корпорациялар техник тараққиётининг ички омилларига ҳам жуда катта имкониятлар очиб бермоқда. Амалиёт натижалари шуни кўрсатмоқдаки, трансмиллий корпорациялар “учинчи дунё” мамлакатларининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Булар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Бир қатор ишлаб чиқариш саноат тармоқларда (енгил саноат, тўқимачилик саноати, электрон саноати) қўлланиладиган техника ва технологияларни етказиб беришда ТМКлар инвестор-сармоячи сифатида ҳам, шунингдек инвестиция товарларини ёки технологияларини (лицензияларини) етказиб берувчи корпорациялар сифатида ҳам муҳим роль ўйнайди.

2. Ривожланаётган мамлакатларни жаҳон бозорига хом-ашё экспорт қилувчи давлатлардан тайёр маҳсулотларнинг сотувчиларига айлантириш. Бунда, бевосита кўйилма, ривожланаётган мамлакатларни ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришлари учун тўғридан – тўғри йўналишидаги инвестициялар молиявий ресурсларни оддий жойлаштиришга нисбатан анча муҳим ҳисобланади.

3. Трансмиллий корпорациялар анъанавий жараёнларнинг тезлашувини таъминлайди. Технологик инновацилар ҳозирги кунда асосан саноати ривожланган мамлакатларда тўпланган бўлиб, сўнгги ўн йилликларда улар бир қатор мамлакатларда, айниқса “янги индустриал давлатлар” иқтисодиётида муҳим роль ўйнамоқда. Технологияларни қўлланиши, атроф-муҳит билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ТМКларнинг филиалларини фаолияти улар танлаган мамлакатларнинг табиати учун, шунингдек инсонларнинг манфаати ва уларнинг ҳаётига таҳдид солмаслиги лозим. Шу муносабат билан хусусий шунингдек хорижий корхоналар устидан назоратни ўрнатиш мақсадида ривожланаётган мамлакатлардаги тартибот миллий органларининг фаолиятини кучайтириш талаб этилади.

4. ТМКлар ривожланаётган мамлакатлардаги мавжуд иш билан бандлик муаммоларини ҳам бартараф этади. Шунга қарамасдан, таъкидлаб ўтиш жоизки, тўғридан –тўғри йўналтирилган инвестициялар билан бевосита боғлиқ бўлган ишчи ўринлар унчалик кўп бўлмасдан ривожланаётган дунёдаги иқтисодий актив аҳолининг 1% дан камроқ қисмини таъминлай олади, ҳалос.

5. Халқаро ташкилотлар ривожланаётган мамлакатларга техник ёрдамларини кўрсатишда ТМКлар имкониятидан кенг фойдаланишмоқда. Ўз навбатида ривожланаётган мамлакатларнинг ҳукумат раҳбарлари ҳам ТМКларни ўз иқтисодиётига жалб этиш борасида ўзаро кураш олиб бормоқдалар. Масалан, АҚШнинг “Женерал моторс” компанияси 2005 йилда ўзининг Осиё – Тинч океани минтақаси бозоридаги улушини икки баробарга ошириш мақсадида, унинг 10% га қадар кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда. Хуллас, жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланишининг объектив қонунларига бўйсунган ҳолда, ривожланаётган мамлакатлар хусусий мақсадлар билан бир қаторда ижтимоий – иқтисодий муаммоларнинг ҳамда ТМКларнинг мамлакатлар иқтисодиётидаги манфаатларига мос келувчи зарурий параметрларини излаб топмоқдалар.

4. “Янги индустриал мамлакатлар”нинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни

Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМда “Янги индустриал мамлакатлар”(“ЯИМ”) ривожланаётган давлатларнинг кўпчилигидан иқтисодий параметрларининг барча системалари бўйича ажралиб туради.

“ЯИМ”ни ривожланаётган мамлакатлардан фарқлиб турувчи хусусиятларидан бири уларни ривожланган капиталистик мамлакатлардан ҳам ажратиб туришлидир. Яъни, уларнинг ривожланиши “Янги индустриал” ривожланиш модели сифатида мавжудлигидир. Бундай характерли томонлар, Лотин Америкасидаги ва шунингдек Осиёдаги “ЯИМ”нинг ривожланиш тажрибасини чуқур анализ қилиш жараёнида кўзга ташланган эди.

Лотин Америкасидаги “ЯИМ”ларнинг ривожланиш тажрибаси ва шунингдек Осиёдаги “ЯИМ”ларнинг кўпчилиги озодликка эришган жаҳоннинг ривожланаётган мамлакатлари учун халқ хўжалигининг ички ривожланиш динамикаси бўйича ҳам, ташқи иқтисодий муносабатларининг экспансияси бўйича ҳам, ривожланишнинг ўзига хос намунаси бўлиб қолмоқда. Одатда, ривожланаётган “Янги индустриал мамлакатлар” қаторига Осиёдаги Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур, Малайзия шу билан бир қаторда Лотин Америкасидаги “ЯИМ”лар –Аргентина, Бразилия, Мексика каби мамлакатлар таалукқлидир. Юқорида санаб ўтилган барча мамлакатлар “ЯИМ”ларнинг биринчи авлодлари ёки биринчи қалдирғочлари ҳисобланади. Уларнинг орқасида “ЯИМ”нинг сўнгги авлодлари (Филиппин ва Хитойнинг жанубий чегаралари ва бошқалар) етишиб чиқмоқда..

БМТ томонидан ишлаб чиқарган методика бўйича “ЯИМ”лар қаторига кирувчи давлатлар у ёки бу критериялар бўйича алоҳида ажралиб туради. Улар қуйидагилардан иборатдир:

- Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг миқдори бўйича.
- Ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари бўйича.
- Ялпи ички маҳсулот таркибидаги қайта ишлаш саноатининг умумий миқдори бўйича (20% атрофида бўлиши керак).
- Чиқариладиган товарларнинг умумий миқдорига нисбатан саноат маҳсулотларининг улуши ва экспорт миқдори бўйича.
- Хорижий мамлакатларга чиқариладиган тўғридан–тўғри инвестицияларнинг умумий миқдори ва ҳ.о.лар

“ЯИМ”лар ушбу кўрсаткичлар бўйича нафақат ривожланаётган мамлакатлардан ажралиб туради, балки айрим ҳолларда бир қатор саноати ривожланган мамлакатлардан ҳам ушбу кўрсаткичлар бўйича устунликка эгадир.